Тахтакўпир туманида “Рақамли технологиялар ўқув маркази” очилди

Ёшлар ўртасида компютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспортни оммалаштириш, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида юртимизда босқичма-босқич рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда.

Навбатдаги рақамли технологиялар ўқув маркази Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир туманида очилди. Мазкур марказ “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг Тахтакўпир телекоммуникация боғламаси ҳузурида этилди.

Рақамли технологиялар ўқув маркази очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси, Тахтакўпир туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилот ходимлари, “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали, ИТ Марказ ҳамда маҳаллий ёшлар иштирок этишди.

Мазкур марказ замонавий компютер жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, компютердан самарали фойдаланиш, дастурлаш, веб дизайн, компьютер графикаси, кибер спорт ўйинлари каби ихтисослашган ўқув курсларни ташкил этиш учун мўлжалланган. Шу билан бирга ўқув марказида тумандаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги малакасини ошириши режалаштирилган.